



## THE SOCIAL AND POLITICAL REQUIREMENTS OF THE "NOMENCLATURE" SYSTEM IN UZBEKISTAN FOR NATIONAL LEADERS (1925-1941)

**Dilafruz Abdimannobovna Iymanova**

*candidate of historical sciences, associate professor, acting professor*

*University of economics and pedagogy*

*Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** leadership, party, center, command, social life, local cadre, staff, apparatus, communist ideology, communist ethics, chauvinism, authoritarian regime, nomenclature, position, economic organizations, intellectuals, localization, industry, workers, employee, community

**Abstract:** The social and political requirements of the Stalinist nomenclature imposed on the national leadership cadres of the Soviet era in Uzbekistan in the years 1925-1941, practical work, problems, and lessons for effectiveness are highlighted on the basis of archival documents and sources.

**Received:** 15.06.24

**Accepted:** 17.06.24

**Published:** 19.06.24

## ЎЗБЕКИСТОНДА “НОМЕНКЛАТУРА” ТИЗИМИ МИЛЛИЙ РАХБАР КАДРЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ ТАЛАБЛАР (1925-1941 ЙИЛЛАР)

**Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова**

*тарих фанлари номзоди, доцент, профессор в.б.*

*University of economics and pedagogy*

*Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** рахбар кадрлар, партия, марказ, маъмурий-буйруқбозлик, ижтимоий ҳаёт, маҳаллий кадр, ходим, аппарат, коммунистик мафкура, коммунистик ахлоқ, шовинизм, авторитар режим, номенклатура, лавозим, хўжалик ташкилотлари, зиёлилар, маҳаллийлаштириш, саноат, ишчилар, ходим, жамоат.

**Аннотация:** Ўзбекистонда совет даврининг 1925-1941 йиллардаги миллий рахбар кадрларига қўйилган сталинча номенклатуранинг ижтимоий сиёсий талаблари, натижадорлик учун амалда қилинган ишлари, муаммолари, сабоқлари архив ҳужжатлари ва манбалар асосида ёритилган.

## СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ТРЕБОВАНИЯ «НОМЕНКЛАТУРНОЙ» СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ К НАЦИОНАЛЬНЫМ ЛИДЕРАМ (1925-1941 ГГ.)

**Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова**

*кандидат исторических наук, доцент, и.о. профессора*

*University of economics and pedagogy*

*Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>Ключевые слова:</b> руководство, партия, центр, команда, общественная жизнь, местные кадры, штаб, аппарат, коммунистическая идеология, коммунистическая этика, шовинизм, авторитарный режим, номенклатура, должность, хозяйственные организации, интеллигенция, промышленность, рабочие, служащий, сообщество</p> | <p><b>Аннотация:</b> На основе архивных документов и источников освещены общественно-политические требования сталинской номенклатуры, предъявляемые к национальным руководящим кадрам советской эпохи в Узбекистане в 1925-1941 годах, практическая работа, проблемы и уроки эффективности.</p> |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

### КИРИШ

Ўзбекистонда миллий раҳбар кадрларни шакллантириш, танлаш, тайёрлаш ва жойлаштириш, уларни пастдан юқори лавозимларга кўтариш 1925-1941 йилларда ниҳоятда оғир, мураккаб, ўта зиддиятли даврда амалга оширилди. Жамиятдаги бу зиддиятли, мушкул ҳолат кадрлар тақдирига таъсир этмай қолмади. Давлат, хўжалик жамоат ташкилотларига туб ерли халқларимиз вакиллари турли раҳбар лавозимларга кўтариш масалаларини кўпчилик кадрларнинг ташаббускорлиги, ғайрат-шижоатларини, ишда яхши фаолият кўрсатганликларини пухта, ҳиссиётларга берилмасдан, чуқур мулоҳаза ва мушоҳадалар билан ҳар томонлама холис таҳлил этиш ишда мақсадга мувофиқдир. Шундай экан зиёлиларни, раҳбар кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва улар орасидан қобилятдиларини раҳбар лавозимларига кўтариш борасида совет ҳукумати қабул қилган қарорлар ва қонуний кучга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг ижобий аҳамияти, расмий ва жамоат ташкилотларининг амалий фаолиятларини тан олган ҳолда йўл қўйилган хато ва камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш тадқиқотда алоҳида муҳимдир.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Тарихий тадқиқотда партия, давлат ва жамоат арбоблари, хўжалик ходимлари умумий таъкидлаганда ўша даврнинг турли соҳаларидаги раҳбар кадрлари бўлган Т.Рискулов, О.Лепа, Ф.Хўжаев, А.Икромов, Й.Охунбобоев ва бошқалар томонидан сўзланган нутқ, маъруза ва рисоалар ҳам ўрганилган. Ўзбекистонни кадрлар сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарихига оид қатор фикр-мулоҳазалар учрайди. Ш.Зиёмов, Х.Турсунов, М.А.Ахунова, Ф.Исхаков ва бошқалар тадқиқотларни амалга оширган.

Тарихчи, файласуф, иқтисодчи олимларнинг нашрларида раҳбар кадрлар сиёсати масаласи иқтисодий жараёнлардаги умумий режалар асосида ёритилган.

Қ.Ражабов, Қ.Қ.Қуранбоев, М.М.Хайдаров, Р.Базарбаев, С.Турсунов, О.Рашидов тадқиқотларида Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари, моҳияти, совет тоталитар давлатчилик генезисида асосий омиллар, совет бошқарувини маҳаллийлаштириш сиёсати, яқка партия ҳукмронлигининг вужудга келиши ҳақида, давлат номенклатурасининг қаттиқ исканжаси, компартиянинг марказ билан боғлиқ сиёсати, муҳим қарорларнинг деярлик барчаси тор партия доирасида қабул қилиниши ва бутун мамлакат учун мажбурий қилиниши, маҳаллий раҳбар кадрларга совет сиёсатининг муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, саноат ва қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ривожланиши алоҳида таҳлил қилиб ўрганилган.

Совет ҳукумати аввало, кенг меҳнаткаш халқнинг онига “тинч” кураш воситалари орқали ғоявий-сиёсий ва мафкуравий соҳада таъсир кўрсатиш йўлидан борди. Аслида эса зўрлик, куч ишлатиш, қамаш, сургун қилиш ва йўқ қилишдан қайтмаган ҳолда ўзгача фикрловчи, ўз мустақил фикрига ва ҳулосасига эга бўлган миллий кадрларга қарши мафкуравий “ўйинлар” билан биргаликда олиб борилган.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларда ҳукумат олдида маҳаллийлаштириш борасида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш каби муҳим вазифалар турар эди. 1925 йилга келиб, давлат, ҳукумат органларига маҳаллий халқнинг илғор кайфиятдаги ўз вакиллари раҳбар лавозимларга юборилдилар. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларидаги ютуқлари уларнинг фаолиятлари билан боғлиқ эди. Маҳаллий раҳбарларнинг хизматлари туфайли миллий давлатчилик тузилмалари юзага кела бошлади.

1924 йилда республика совет органларида маҳаллий миллат вакиллари етишиб чиққан ходимлар миқдори 17%га, вилоятларда 45%га, уездларда 90%га етганди[1]. Республика ҳукуматида ишлаган ватанпарвар миллий етакчи раҳбарлардан бўлган Т.Рисқулов, Қ.Отабоев, С.Турсунходжаев, И.Хидиралиев, А.Раҳимбоев, Н.Тўракулов, Ф.Хўжаев, А.Икромов, А.Фитрат ва бошқалар марказдан келган большевикларнинг салбий муносабатларига қарамасдан маълумотли маҳаллий кадрларни янги ҳаёт қурилишига фаол жалб этишга интиланлар. Уларнинг ҳаракатлари натижасида миллий кадрлар халқ таълими соҳаси, маданий маърифий муассасаларда, нашриёт органларида ўз халқига хизмат қилиш имкониятига эга бўлганлар.

Ўзбекистонда 1925-1930 йилларда совет давлати томонидан давлат бошқарув аппаратларини маҳаллийлаштириш борасида олиб борилган сиёсатнинг кўзга ташланадиган томонларидан яна бири шундаки, асосан, биринчи раҳбар ходимларгина

маҳаллий миллат вакилларида кўйилган бўлиб, биринчи раҳбар ходимларининг ўринбосарлари, мутахассислар ва бошқа ходимлар, асосан, бошқа миллат вакилларида иборат бўлиб қолаверган. Мазкур вазият, айниқса, Ўзбекистонда алоҳида долзарблик касб этди, бу ерда миллий зиёлилар сони жуда озчиликни ташкил қиларди, халқ хўжалиги ва маданият соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлашнинг кенг тармоғи хали шаклланмаган эди. Шу сабабли бошқа айрим республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кейинчалик турли курсларда, мактабларда коммунистик университетлар ва академияларда ўқитиш ва малакасини ошириш шарти билан ишчилар ва деҳқонларни раҳбарлик ва ташкилотчилик лавозимларига кўтариш усулидан кенг фойдаланилди.

1925-1930 йилларда маҳаллий миллат вакиллари бўлмиш совет, жамоат, хўжалик органлари раҳбарларининг, заводлар ва фабрикалар директорларининг, колхозлар ва совхозлар етакчиларининг аксарият кўпчилиги ишчилар, деҳқонлар ва батраклардан кўтарилган кишилар эди[2].

Ўзбекистоннинг партия ва давлат арбоблари яшаган даврнинг моҳиятидан келиб чиқиб масалага ёндашадиган бўлсак, шўро ҳукмронлиги даврида миллий манфаатларга зид иш қилишга мажбур бўлган. “Бошқача фикрловчилар”ни, миллий зиёлиларни, диний арбобларни “буржуа миллатчилиги”, панисломизм ва пантуркизм ғояларига тарафдорликда айблаб, таъқиб қилишлар тўхтамаган. Бироқ миллий раҳбарлар сиёсий таъқибларга қарамасдан маҳаллий аҳолининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни давом эттирдилар. Бунинг учун миллий раҳбарлар ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Турор Рискулов РКП (б) XII съездида (1923 й. апрель) сўзлаган нутқида совет тузуми ўрнатилганига қарийиб етти йил бўлган бўлса-да, “Сарт (ўзбек) аҳолиси ҳаётида ҳеч қандай ижтимоий силжишлар бўлмади” [3] деб дадил гапирган эди. Худди шу фикрни миллий республикалар масъул ходимларининг IV кенгашида (1923 й. апрел) С.Хўжанов айтган эди. Ўша йилнинг ўзида ўлканинг бир гуруҳ масъул ходимлари очик хат эълон қилиб, унда “Туркистоннинг октябрдан кейинги ривожланишига танқидий баҳо бердилар[4]. Миллий жонкуяр кадрлардан жамоат арбоби Қайғусиз Отабоев (1887-1937) ҳам бор эди. Ўз сиёсий фаолияти давомида Қ.Отабоев Марказнинг айримачилик, шовинистик сиёсатига қарши бир неча бор ўзининг дадил фикрлари билан чиқди. У Марказ томонидан юборилган эмиссарларнинг маҳаллий халқларга нисбатан қўллаётган усуллари танқид қилиб, Россиядан келган ходимлар туб аҳолининг ўлкани мустақил бошқара олиш қобилиятига ишонмаётганликлари, ўзлари эса Туркистоннинг турмуш-шароитларини яхши билмасдан туриб, ҳокимиятнинг маъсул лавозимларига даъвогарлик қилишлари ҳақида ТКП Советларининг X қурултойи минбаридан туриб гапирган эди. Қ.Отабоев миллий раҳбарлардан биринчилар қаторида қаршилик ҳаракатига тўғри баҳо

берган. Унинг 1922 йил 18 июлда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг VI пленумида қилган маърузаси кескин танқидий ва очикдан-очик қаршилик руҳида эди. Қ.Отабоев қаршилик ҳаракатига ҳарбий йўл билан йўқ қилиб бўлмайдиган халқ қўзғолони деб баҳо беради ва ушбу ҳаракат иштирокчилари билан сиёсий ва иқтисодий усулларни қўллаб, тинч музокаралар олиб бориш таклифини киритади. Шундан сўнг, 1922 йилнинг сентябрида Самарқанд вилоятида большевиклар тузумига қарши курашаётган Баҳромбек қўрбоши билан тенг асосда тинчлик шартномасини имзолагани учун Қ.Отабоев, А.Раҳимбоев, А.Серғозиевлар лавозимларидан бўшатилади. Қ.Отабоевнинг қисмати ҳам ўша йиллардаги миллатпарвар кадрлар сингари аянчли тугади, у 1937 йилда мустабид тузум томонидан ноҳақ қатағонга учраб, отиб ташланади[5].

1925 йил 24-28 сентябрда Ўзбекистон Компартияси МКнинг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш масаласи кўриб чиқилиб, маҳаллий миллат вакиллари партиясининг, совет, хўжалик ишларига жалб қилиш юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди. Қарорда давлат аппарати ва хўжаликни маҳаллийлаштириш сиёсати Ўзбекистон Компартияси МК томонидан амалга оширилаётган тўғри тадбир бўлиб, уни амалиётга татбиқ этиш кераклиги, бунга партия касаба уюшмалари, ишчи ташкилотларини тўлиқ жалб қилиш, маҳаллий аҳолининг пролетар ва ярим пролетар оммасини давлат аппарати ишларига тортиш, бунинг учун касаба уюшмалари масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланади. Марказнинг давлат аппарати ва хўжалик ташкилотларини маҳаллийлаштириш ишларини вилоят ва уездларда ҳам намунали ташкил қилиш учун вилоят партия қўмиталари ҳузурида йиғилишлар ташкил этиш, унинг сиёсий аҳамиятини жойларда тушунтириш кераклиги қайд қилинди. Давоми сифатида, 1925 йил 22-30 ноябрда Ўзбекистон Компартиясининг II съезди бўлиб, бу съездда ҳам “Партия, совет, хўжалик, касаба уюшмалари ва кооператив ташкилотларига маҳаллий аҳолини жалб қилиш” масаласи кўриб чиқилди. Бошқарув ва раҳбарлик ишларига ишчи, деҳқон ва маҳаллий зиёлилардан маҳаллий кадрлар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди[6]. Йиғилишда қилинган маърузада яна 1925 йил сентябридан 1926 йил октябргача комиссиянинг амалга оширган ишлари хусусида бир қанча фикрлар билдирилади. Жумладан, қисқа муддатли ўқув курсларида маҳаллий миллат вакиллари орасидан машинистлар, ҳисобчи, бухгалтер, кондуктор, темир йўл ишчи ходимлари, масъул котиблар, марказий орган бошқарувчилари ва бошқа касб мутахассислари тайёрлаш назарда тутилган. Маҳаллий ўзбек меҳнаткашларига яқин ҳамда тушунарли бўлган тилда ташкил этиш, ўзбек тилида таълим ва маданий оқартирув ташкилотлари-мактаблар, клублар, ўқув заллари, кутубхоналар, театрлар очиш, кенг халқ оммасига етиб борадиган газеталар нашр қилиш чора тадбирлари белгиланган[7]. Табиийки, бундай иш ва ўқув курслар ташкил қилиш, улар учун шароитлар

яратиш, ўқитувчилар билан таъминлаш, ётоқхона, стипендия, йўл қатнови харажатлари, маҳаллийлаштириш марказий комиссиясининг 3 штат бирлигида ходимларига маош тўлаш турли моддий қийинчиликларни келтириб чиқарган. Маҳаллийлаштириш марказий комиссияси ўз маблағига эга бўлмаган. Бундан ташқари йиғилишда маҳаллийлаштириш ишларида касаба уюшмаларининг сусткашлик билан ёндошганликлари, янги очилган саноат корхоналарига маҳаллий миллатга мансуб ходимларни жалб қилишга фаол иштирок этмаётганликлари, ҳатто баъзи жойлардаги касаба уюшма бўлимлари 1926 йил апрель ойида Ревкомнинг ўзбеклаштириш бўйича махсус 48-қарорини бекор қилиш бўйича қарорлар қабул қилишганлиги[8] ҳақида фикрлар билдирилади.

1925 йил 8 февралда Бухорода Ўзбекистон компартиясининг I курултойи ўз ишини бошлаб, унда шўролар иттифоқи Коммунистик партиясининг филиали бўлган Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси ташкил этилди. Партия Марказий Қўмитаси сайланди. Марказий Комиссия Пленуми партиянинг олий органлари, совет ҳукумати ва касаба уюшма органлари вакиллари 14 кишидан иборат бўлди. В.И.Иванов ва А.Икромов Марказий Қўмитанинг масъул котиблари этиб сайланди[9]. Акмал Икромов фаолияти раҳбар кадр сифатида жуда мураккаб жараёнда кечган. У Ўзбекистон Компартиясининг 1925-1937 йиллардаги биринчи раҳбари сифатида Москванинг барча буйруқ ва топшириқларини бўйин товламасдан бажаради. Марказ республикадаги шўро ва жамоат ташкилотларига ва уларнинг раҳбарларига ҳаракат учун эркинлик бермайди. Ҳақиқатдан бу даврда раҳбар кадрлар масаласи алоҳида муаммо эди. Сабаби давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларида миллий раҳбар кадрлар оз бўлиб, иш юритиш ҳам рус тилида олиб борилад эди. Республика бошқарув маҳкамаларида масъул лавозимларни руслар “марказдан жўнатилган” раҳбар кадрлар эгаллаб олган эди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев тўб халқлардан маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва уларни юқори лавозимларга кўтаришда фаоллик қилди. Унинг ташаббуси билан 1925 йил 3 мартда Бобон Мавлонбеков раислигида “Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш Марказий комиссияси” тузилди. Акмал Икромов, Раим Иноғомов ва бошқалар унга аъзо бўлишди. Марказий комиссиянинг Самарқанд, Тошкент, Зарафшон, Фарғона ва бошқа вилоятларда ҳам бўлимлари ташкил этилди. Маҳаллийлаштириш комиссияси раҳбарияти зиммасига Ўзбекистондаги ўқув юртлари, илмий ва маданий-оқартирув ташкилотлари, саноат корхоналарини маҳаллийлаштириш асосий режасини ишлаб чиқиш юклатилди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткаш оммасини мамлакатни ривожлантиришда ерли аҳоли ходимларини фаол иштирок этишга жалб қилиш ниҳоятда муҳим ва зарур эди. Бу вазифани масъул раҳбарлик ишига асосан ишчи ва деҳқонлар оммаси орасидан чиққан тадбиркорларни кўтариш йўли билан ҳал қилиш

мумкин эди. Натижада 1925 йилнинг 3 ойи ичида марказий ташкилотларга 250 дан зиёд ишчи ва деҳқонларни раҳбарлик ишига кўтариш амалга оширилди, уларнинг ярмидан кўпроғи маҳаллий миллат вакиллари эди[10].

1925 йил 22-30 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон коммунистик партиясининг II съездида “Партия, совет, хўжалик, касаба уюшмалари ва кооператив ташкилотларига маҳаллий аҳолини жалб қилиш” масаласи кўриб чиқилди. Бошқарув раҳбарлик ишларига ишчи, деҳқон ва зиёлилардан маҳаллий кадрлар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. 1926 йил 26 майда бўлиб ўтган халқ маорифи ходимларининг Ўлка кенгашида А.Икромов ҳам шундай дейди, “Охирги вақтларда жуда кўп ишчи ва деҳқонлар совет раҳбарлик ишларига кўтарилди. Тўғри улар, хали айрим ишларни яхши билишмайди, лекин асосийси ишчи ва деҳқонлар ҳошиш иродаларини ҳамма вақт аъло бажаришга тайёрдирлар. Ўша йили март, июль ойларида Ўзбекистон бўйича биринчи марта пастдан юқорига кўтариш ишлари қандай олиб борилаётгани сарҳисоб қилинди. Ҳаммаси бўлиб 130 киши раҳбарлик лавозимига кўтарилган бўлса, шулардан фақат 42 киши маҳаллий миллат меҳнаткашлари вакиллари эди[11]. Энг илғор меҳнаткаш вакиллари раҳбарлик лавозимларига кўтариш изчил олиб борилган бўлсада, лекин хали бу сифат талабига жавоб бера олмас эди. Раҳбар лавозимларга кўтариш кўпроқ партиянинг кўрсатмаларига асосан, Москва ҳукми билан ҳал қилинарди. Бунинг натижасида давлат идораларининг мутахассислари, ходимлари кўпроқ европаликлардан иборат бўлиб қолди. Кадрларни маҳаллийлаштириш бўйича архив статистик маълумотларида 1926 йил 1 мартдан 1926 йил 1 сентябргача европа аҳолиси 1010 тадан 1244 тагача кўпайган, маҳаллий аҳоли эса 358 дан 257 камайган[12]. Маҳаллийлаштириш масаласидаги носоғлом томонлардан бири аппаратнинг миқдорий ва сифатли ишининг етарли эмаслиги бўлиб, институтга юборилган маҳаллий ишчи кадрлар билан кўрсатма бўйича барча алоқалар дарҳол узилган. Ходимнинг хизматдаги позицияси ўрганилмаган[13]. Натижада, мамлакатимизда маҳаллийлаштириш, ходимларнинг умумий таркибига нисбатан кескин 8,5% га қисқаришига олиб келди. Бир тарафдан, бундай пасайиш Марказий комиссиянинг заиф ишидан далолат беради. Кадрлар алмашинуви мониторинги йўқлиги ва ходимларнинг қўнимсизлиги, маҳаллий кадрлар европаликлар кадрлар билан алмашинуви маҳаллийлаштиришга оммавий тўсиқ бўлганлиги аниқ эди[14]. Лавозимга кўтариш йўллари ва шакллари такомиллаштириш мақсадларида Ўзбекистон ҳукумати 1927 йил 7 мартда “Давлат аппаратида ишчи ва хизматчиларни жалб қилиш бўйича навбатдаги вазифалар тўғрисида” қарор қабул қилади. Унда лавозимга кўтариш бўйича ишлардаги хатолар кўрсатилган. Кўп раҳбарларнинг миллий кадрларни шакллантиришдек ўткир муаммони ҳал қилишга юзаки ёндашаётганлиги қайд қилинган. Қарорда маҳаллийлаштириш суръатларини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор

қартилди. Чунки кўрсатилган даврда Ўзбекистон давлат аппаратида маҳаллий миллатларга мансуб ходимларнинг улуши атиги 24,7%ни ташкил қиларди[15].

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1928 йил 31 январда бўлган йиғилишида “Давлат аппарати ва саноатни ўзбеклаштириш Марказий Комиссияси”нинг раиси А.Каримов маъруза қилди. Йиғилишда ЎзССР Марказий ижроия қўмитаси ХКСнинг давлат аппаратини ўзбеклаштириш қарори лойиҳаси асосида ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги совет, бошқарув, хўжалик ва саноатни ўзбеклаштириш Марказий комиссиянинг низомини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинди. Мазкур масалани муҳокама қилишда Қ.Пўлатов, Ф.Хўжаев, А.Ҳожибоев, И.Хидиралиев ва бошқалар қатнашдилар[16].

Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлардан қониқмаганлигини Ф.Хўжаев ўзининг бир қанча танқидий чиқишларида билдиради. Бухоро ҳукумати бошлиғи бўлган Ф.Хўжаев большевиклар билан яқин муносабатларига қарамасдан илк раҳбарлик фаолияти куниданок мустақил сиёсат юритишга, Совет Россияси ва хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди[17]. Ф.Хўжаев Ўзбекистон ҳукуматига бошчилик қилган йиллари Ўзбекистоннинг ва бутун Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий, хўжалик ва маданий тараққиёти йўлида зўр ташаббускорлик ва ташкилотчилик билан иш олиб борди. У республика саноати, халқ хўжалиги ва маданиятининг гуллаб-яшнашида катта роль ўйнади. Биргина мисол: республикада 1926 йилда биринчи электр станцияси-Бўзсув ГЭСининг ишга туширилиши унинг номи билан боғлиқ. У илм-фан ва маорифимизнинг жонкуяри эди[18]. Қизи Вилоят Хўжаева “Ота-онам ҳақида хотираларим” ҳикоясида “Бир гал газета мухбирларидан бири: “Кечирасиз, ўртоқ Ф.Хўжаевич сизни миллионер бойнинг ўғли дейишади. Шу гап ростми?” деб берган саволига отамнинг кулимсираб: “Ха рост. Отам бой савдогар бўлган, мен ўша бойликка эга бўлмаган инқилобчи бўлдим. Менимча, ҳар бир киши учун энг муҳими, бойлик эмас, ғоя ва эътиқоднинг борлиги бўлса керак” [19] деб жавоб берганини хотирлаган.

Маҳаллий миллатпарвар раҳбар Ф.Хўжаев, “Шўро аппаратининг ихтисосли кучлар билан тўлдирмасдан уни “тилёғламачи”, ёт унсурлардан тозаламасдан, ундан бюрократизм ва бошқа ишга расмиятчилик кўзи билан қаровчиларни супуриб ташламасдан, шўро аппаратининг кенг ишчи ва колхозчилар оммасига яқинлаштирмасдан, буларни бевосита ҳукуматни идора қилишга қатнашишларига эришмасдан, кенгайтирмасдан, бу аппаратни ерлилаштирмасдан, уларни аҳолининг асосий оммасига яқинлаштириб бўлмайди. Буларни қилмасдан туриб, шўро аппаратимиз олдида қўйилган вазифаларнинг улдасидан чиқадир, деб ўйлаш мумкин ҳам эмасдир...” [20], деб ҳаққоний фикрларни берган. Ф.Хўжаевнинг фикрларида қанчалик ҳақиқат бўлмасин, шўро тузими малайлари томонидан бутунлай

тескари талқин этилди. Унинг ижтимоий келиб чиқишига алоҳида урғу бериб, унинг буржуа тузуми тарафдори, миллий аксил инқилобчи кучларнинг раҳномоси сифатида “фош этишга” интилди. Сталин ҳукумати уни ишончсиз унсурлар сафига киритиб орадан йўқотиш пайига тушди. Унинг атрофида турлича хийла найранглар ташкил этила бошланди. У ана шундай оғир бир вазиятда 1936 йилда ёзилган “Социалистик Ўзбекистон юксалишида” деб номланган асарини нашр эттирди. Асарни бошдан оёқ Сталин сиёсатини мадҳ этишга бағишлайди. Бу асар Ф.Хўжаевнинг ўзига хос сўнгги ҳисоботи ҳам эди. У 1924-1934 йиллардаги рақамларни солиштириб, “Бутун пахта майдони 255,6 мингга эди, ҳозир 876,3 минг гектарга етди... 1924 йилда биз фақат 4 та театрға эга эдик, ҳозир 38 та театрға эгамиз. Тикувчилик маҳсулотлари сўнгги шу 4 йил ичида 9 мартаба. Пойабзал 2 марта, цемент ишлаб чиқариш- 4 марта... ўсганлиги”ни таъкидлаб ўтади[21].

Ўзбекистоннинг XX асрдаги давлат ва сиёсат арбоблари маҳаллий раҳбар кадрлари орасида У.Юсуповнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У ўтган XX асрнинг 20-50 йилларида пахта тозалаш заводининг шиббаловчисидан республика Компартияси МКнинг биринчи котиби, СССР пахтачилик министригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1929 йилдан У.Юсупов Ўзбекистон Компартияси Тошкент округ қўмитаси котиби, Ўзбекистон компартияси Марказий котиби лавозимларида ишлади. 1931-1934 йиллари Касаба Уюшмалари Бутуниттифок Марказий Кенгаши (ВЦСПС) Ўрта Осиё бюросини бошқарди. 1936 йилгача У.Юсупов Москвада ўқиди. Ўзбекистонга қайтгач, ЎзССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари этиб тайинланди. 1937 йил сентябрда У.Юсупов Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби этиб сайланди. Ушбу лавозимга айнан У.Юсуповнинг сайланиши учун бир неча сабаблар бор эди. Биринчидан, ўша пайтлардаги айбловларда кенг қўлланилган буржуа-миллатчи гуруҳлар” фаолияти қатнашмаган. Иккинчидан, у бошқарган озиқ-овқат саноати яхши кўрсаткичларға эга эди. Учинчидан, партияни тозалаш компанияси ва “халқ душманлари”ға қарши кураш баҳонаси остида маҳалли кадрларни жисмонан йўқ қилишда ҳам иштирок этмаган. Аммо биринчи котиб бўлгандан сўнг Ўзбекистонда мавжуд бўлган буржуа-миллатчилик ташкилотларига қарши марказий ва маҳаллий матбуотда олиб борилган ташвиқот ишларида, табиийки, иштирок этган ва унга раҳбарлик қилган.

У.Юсупов республика раҳбари бўлиб ишлаган йилларда унинг ташаббуси асосида Ўзбекистонда халқ ҳашари йўли билан йирик сув иншоатлари –Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори ва бошқалар қурилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг ғарбий районларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган йирик корхоналарни тезлик билан жойлаштириш ва ишга тушириш, янги корхоналарни қуриш, уларни ишчи-кадрлар билан таъминлаш, фронтға озиқ-овқат, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик

махсулотларини мунтазам етказиб беришда, ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда РСФСР, Украина ва Белоруссиядан келган, уруш туфайли бошпанасиз қолган аҳолига, ота-онасиз қолган 100 минглаб болаларга меҳрибонлик ва ўзбекларга хос бўлган инсонпарварлик сифатларини кўрсатишди. У.Юсупов бош-қош бўлди. Шу йиллари Ўзбекистон саноатида тизимли ўзгаришлар юз берди. Республикада илгари мавжуд бўлмаган самолётсозлик, станоксозлик каби соҳалар пайдо бўлиб, маҳаллий ёшлардан минглаб малакали ишчи кадрлар тайёрланди. У.Юсупов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон аграр республикадан аграр-индустриал республикага айланди[22]. Барча миллий раҳбар кадрлар қатори У.Юсупов ҳам коммунистик ғояга ишонганлиги сабаб мустабид тузумнинг асл моҳиятини умрининг охиригача тушуниб етмади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, У.Юсупов соф виждонли, ўз ишига, халқига садоқатли инсон, раҳбар кадр сифатида халқ хотирасида катта из қолдирди.

Иттифоқ томонидан саноатлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши республикада кўплаб янги саноат марказларининг пайдо бўлишига, ягона иқтисодий маконга кириб боришига, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги аҳолининг тақсимланиши, шаҳар аҳолисининг таркиби ўзгариши, ишчилар синфининг ўсишига имкон берди. Аслида ишчилар синфи совет ҳукуматининг асосий ижтимоий кучи эди. Барча республикалар миграциясида ишчилар сонининг ортиб бориши катта аҳамиятга эга бўлди. Урушгача бўлган даврда бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг аралашуви малакасиз мутахассис ишчилар кўпайишига олиб келган бўлсада, ишчилар синфи миллий гуруҳининг шаклланиши ва ўсишига имкон берди. Республикалараро миграция фақатгина сонда эмас, ишчилар синфининг сифатли ўсишига ҳам сабаб бўлди. Иттифоқдан жўнатилган ишчилардан маҳаллий малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда фойдаланилди. Саноатнинг ривожланиши ишчилар синфининг тезлик билан ўсишига сабаб бўлсада, малакали мутахассис кадрларнинг танқислиги сезилган. Таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари ва тарбиявий ишлар, таълим дарсликлари ўта даражада сиёсийлаштирилиб юборилган, халқни асрий маданий меросдан узоқлаштиришга қаратилган эди. Бундай ўқитиш услуби, совет сиёсий раҳбарияти тизгинидан чиқмайдиган ижрочиларни етиштириш тамойилларига асосланган эди.

Ҳукуматнинг 1927 йил 7 мартдаги қабул қилган “Ишчи ва деҳқонларни давлат аппаратида кўтариш борасидаги навбатдаги вазифалар” тўғрисидаги қароридан сўнг раҳбар ходимларни тарбиялашга уларни янги лавозимларга кўтариш муаммоларини ҳал этишга доир ишлар айниқса кенг қулоқ ёзди. Халқ вакилларини юқори лавозимларга кўтариш совет аппарати, хўжалик ташкилотлари учун ходимларни етиштириш ва тарбиялаш усули сифатида маҳаллий миллат меҳнаткаш оммасининг бошқа халқлар билан байналминал

жипслашув воситаси бўлиб хизмат қилиши керак эди. Ўзбекистон ССР МСР ҳузурида қурилган ва мавжуд бўлган Давлат аппарати маҳаллийлаштириш бўйича марказий комиссия аппарати ўз мақсадини тўлиқ бажармаётганини яққол кўрсатган. Унинг ичида республика ишчи кучининг совет-маъмурий ва хўжалик кадрларини тартибга солувчи органлар билан параллеллик ва номувофиқликлар мавжуд - давлат аппаратлари ишчи кучини қисқартириш ва тўлдиришга йўналтирган[23]. 1926 йилда бошқарув ташкилотларида кадрлар маҳаллийлашуви 24,7% ни ташкил этган бўлса, 6 ойдан кейин у 2,3% га ўсиб, 27% га етди[24]. 1927 йилга келиб Ўзбекистон давлат аппаратида ходимларнинг 61,9 фоизи руслар, 24,7 фоизи маҳаллий миллат вакиллари, 6,0 фоизи яҳудийлар, 7,4 фоизи бошқа миллат вакиллари ташкил этган эди[25]. Ўзбекистон ССР Ишчи-деҳқон халқ комиссарлиги маҳаллий кадрларни манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ишга олиш, бошқарув аппаратларини маҳаллийлаштириш ўрнига русийзабон кадрларни ҳеч қандай тўсиқсиз қабул қилган[26]. Мунаввар Қори Абдурашидхонов: Европаликларнинг ўзлари маҳаллийлаштириш ғоясини инкор қилишади. Маҳаллий ходимларни лавозимга тайинлашади, лекин “мос эмас” деб уларни тез хайдашади, миллий кадрларни тайёрлашмайди. Билимли инсонлар “идеология” сабабли четлаштирилади, русларга ҳеч қанақа тўсиқ қўйилмайди. Ушбу ҳисобот материалларида маҳаллийлаштириш масаласига миллий матбуотнинг муносабати ҳам ўрганилган. Жумладан, “Муштум” журналида келтирилган мақолада шундай дейилган: “Ўзбек давлат киносида бор-йўғи битта қоровул ўзбек. Гарчи маҳаллийлаштириш фавқулотда масала бўлса ҳам лекин унга интилсанг миллатчилик айбини оласан...”[27]. Ўзбекистон ҳукумати маҳаллий ташкилотларга ишчиларни кўтаришни кучайтириш, кўтарилган ишчиларни маданий ва сиёсий даражасини ошириш ҳамда уларни янги иш жойида муқим қилиш бўйича иш олиб боришни таъминлашни топширди.

1927 йилда давлат аппарати маҳаллийлаштириш комиссияси қайта тузилиб, Сафоев раҳбарлигида “Ўзбеклаштириш марказий комиссияси”га айлантирилди[28]. Архив маълумотларида раҳбарият, “Маҳаллийлаштириш сиёсатимизнинг соғлом, табиий вазифасидир. Бошқарувнинг бутун механизми (маъмурий, иқтисодий, кооператив, савдо, жамоат) тўлиқ, яқиндан, оммага, маҳаллий аҳолига яқинлашиши керак, яъни, муассасадаги ҳар бир ходим ёзма ва оғзаки равишда деҳқон, фермер ва фермер хўжалиги ишчилари билан республиканинг асосий миллати тилида иш олиб бориши шарт. Буни дарҳол амалга ошириш қийин, лекин бу ишни амалга ошириш мумкин. Маҳаллийлаштиришни барқарор амалга ошириш учун қатъий ва тўғри йўлни танлаш керак”лиги таъкидланган[29]. Ўзбеклаштириш натижасида 3-6-12 ойлик курслар ташкил қилинди. Маҳаллий аҳолидан малакали ишчи кадрларни, ходимларни курсларга юбориш тизими амалга оширилди.

Марказий Ижроия Қўмитаси учун 120 кишилиқ республика курслари очилди[30]. Қолаверса, раҳбарият томонидан темир йўл тизимини ўзбеклаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Курсларни туб аҳолидан 73 нафар талаба тамомлаб, назоратчи ёрдамчиси, кондуктор, гид ва бошқалар лавозимларга тайинланди. Транспортни ўзбеклаштириш бўйича ҳам ишлар режали вазифада белгилаб қўйилди ва кейинчалик режасида асосида маҳаллий миллат вакилларида 525 талабгорни транспорт агентликларининг қисқа муддатли курслари орқали ўқитиш амалга оширилди[31].

Ўзбекистон ССР МИКнинг 1928 йил 3 апрелдаги мажлиси 32/10 баённомасининг кўчирмасида келтирилишича, икки ҳафта муддатда қўмита марказий аппаратида ўзбек тилини биладиган ходимлар билан тўлдирилиши лозимлиги белгиланган. Европа миллатига мансуб ходимлар 7 ой давомида ўзбек тилини ўрганишга мажбур қилиниши ва ундан бош тортганлар ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантирилган. 1928 йил 17 майда бўлиб ўтган ўзбеклаштириш бўйича марказий комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР МИКнинг ҳисоботи эшитилади. Бунда 20-рақамли қарор асосида МИКда амалга оширилган ишлар хусусида уйдагилар таъкидланган: Мазкур қарор қабул қилинишидан олдин Ўзбекистон ССР МИК аппаратида 76 штат бирлиги мавжуд бўлиб, ушбу миқдор сақланиб қолган. Миллий таркиб бўйича ўзбеклардан 25 ходим ўрни 30 нафарга етган. Европалик ходимлар 51 нафардан 46 нафарга қисқарган. Ушбу марказий идорада маҳаллий кадрлар салмоғи қарийб 40 фоизга етгани қайд этилган[32]. Давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши жараёни бораётган бир вақтда ҳам Марказдан жўнатилган раҳбарларнинг маҳаллий кадрларга бўлган муносабати ўзгармади. Мазкур соҳадаги энг катта муаммолардан бири европа миллатига мансуб ходимларнинг маҳаллий кадрларга ишончсизлик билан қараши ва уларнинг эркин фаолиятига тўсқинлик қилиши бўлди. Бундай ҳолат давлат бошқарувининг юқоридан то қуйи бўғинигача бўлган барча тизимида ўз аксини топганди. 1925 йил 1 августда Ўзбекистон ССРда давлат аппаратининг жами ходимлари 1523 нафар бўлиб, шундан фақат 201 нафари, яъни 16,5 фоизи ўзбек бўлган. 201 кишининг 34 фоизи масъул шахс, 18 фоизи техник ходим, 6 фоизи мутахассисларни ташкил этган. Шундан, партия ва совет раҳбар ходимлари 173 нафар бўлиб, 38 нафари ёки 22 фоизи ўзбеклар бўлган. Миллийлаштириш ҳолати шу вақтда марказий хўжалик аппаратларида 27,8% ни ташкил этган[33]. 1927 йил давлат аппарати ва марказий идораларда ишловчи 1.500 раҳбар кадрдан бор йўғи 317 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди.

1930 йилларда ЎзССР МИКда ишлаётган 97 кишидан, 43 таси маҳаллий миллат вакилларида эди; ЎзССР ХККда эса 75 ходимдан 21 таси, Саноат халқ комиссарлигидаги 63 ходимдан 5 тасигина маҳаллий миллат вакиллари эдилар. Республика Давлат режа қўмитасида 50 кишидан иборат умумий ходимлар ўртасида бирорта ҳам маҳаллий миллат

вакиллари бўлмаган[34]. Маҳаллий миллат вакиллари давлат бошқарув муассасаларига ва у билан боғлиқ ташкилотларга жалб этиш марказ сиёсий мақсадларига мос келмас эди. Марказдан юборилган раҳбар ходимлар кўпроқ бошқарув аппаратида ишлаганлар. Бундай раҳбарлар марказ манфаатларига хизмат қилардилар. Ўзбекистонда эса кадрларни саноат соҳалари учун ишчилар малакасини ошириш курслари ташкил этилар, бундай курсларда партиянинг маҳаллий миллат раҳбар ва ишчиларининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмаслик дастури амалиётида муҳим восита бўлган. Шунинг учун ҳам большевиклар ўзларининг тарғибот ва ташвиқот, маъмурий буйруқбозлик усуллари орқали раҳбар кадрларни эмас, балки, советлар таркибида маҳаллий миллат ишчилари салмоғини йилма-йил ошириб боришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1927 йил 16-24 ноябрда бўлган III съездида “Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш ва ерли миллат ишчиларини ишлаб чиқаришга жалб этиш тўғрисида”ги масала кўрилди. 20-30 йилларда туб ерли аҳолидан ўсиб, етишиб чиқаётган ҳукумат, давлат, хўжалик аппарати ходимларига ишончсизлик аломатлари ҳам борлигини таъкидлаш лозимдир. Бу нарса айниқса рус миллатчиларининг Ўзбекистондаги давлат бошқарув тизимларида мустаҳкам ўрнашиб олиб, шовинистик сиёсат олиб боришларида кўринди. Юқори лавозимларга кўтариш борасида 20-йилларнинг охирларига келиб маълум тажриба тўплаган эди. Пастдан юқорига кўтариш натижасида совет, хўжалик, касаба уюшмаси аппаратларидаги ишчиларнинг сони ошиб борди. Аммо қилинган ижобий ишлар қаторида хато ва камчиликлар ҳам мавжуд эди. Социалистик қурилиш дастурини рўёбга чиқаришда Коммунистик партия марказий ўринни ишчилар синфига ажратди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, ҳукмрон сиёсий раҳбарият кўпинча ишчилар синфи номидан ниқоб сифатида фойладанган. Аслида у партократия олий табақалари дор доирасининг манфаатларига жавоб берувчи сиёсат юргизган эди. Бу айниқса 20-йилларнинг иккинчи ярмидан, Сталин тоталитар тузуми қарор топган вақтдан бошлаб яққол кўзга ташланди. Бошқа томондан олганда Коммунистик партия “ишчилар синфининг раҳбарлик ва йўналтирувчилик роли тўғрисида”ги шиорларини ниқоб қилиб олиб, ишчилар оммасини ўзининг миқёсида олиб борилган социал экспериментларини амалга ошириш учун жалб этишга муваффақ бўлди.

Бироқ ишчи деҳқонларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда жиддий нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Пастдан юқорига кўтариш кўпинча кабинет доирасидан ташқарига чиқмади. Кўтарилган ишчилар билан ишлаш, уларнинг хисоботлари йиғилишларида эшитилмади. Натижада улар кўпинча ишлаб чиқаришдан ажралиб қолдилар, ташкилот раҳбарлари уларга нисбатан эътиборсизлик билан қараб “майли ишлай берсин кейин кўрамиз” қабилида иш тутдилар. Натижада уларнинг айримлари яна ўзларининг аввалги иш

жойларига қайтишга мажбур бўлди. Масалан, 1925-1929 йиллар мобайнида Марказий аппаратга раҳбарлик лавозимларига кўтарилган 5 кишининг 30,9 фоизигина аппаратда сақланиб қолган бўлса, 18 фоизи эса округларга паст ишларга юборилди[35]. Кўпгина партия ва хўжалик ташкилотларида ходимни ишга тайинлашда унинг шахсий иш сифатларини ва сиёсий сифатларини, унинг қобилиятларини ўрганиш ўрнига, унинг уруғ-аймоқларини, бобоси, бувиси ким бўлганини текшириш билан овора бўлганлар[36]. Кадрларни танлаш ишидаги асосий масала – янги ходимларни тўғри кўтариш масаласидир. Жонли ишни уюштира биладиган, қобилиятли, ташаббускор. Яхши ходимларни дадил кўтариш керак. Иқтидорли ва ташаббускор ходимларни иш бошига қўйиш билан биргаликда малакасиз ходимларни алмаштириш масаласини ҳам ўз вақтида қўйиш керак. Кўпинча мана шундай қўлидан иш келмайдиган маҳмадоналар пайдо бўлиб қоладида ишни йилларча барбод қилади. Бизнинг халқ комиссарликларимиз, партия обкомларимиз, шаҳар комитетларимиз бўлса бунга бемалол қараб ўтираверади. Малакасиз раҳбарлар “ўзлаштираяпмиз”, “иш сал унмай қолди”, “камчилик ва нуқсонларни бартараф этяпмиз” деган сўзлар билан қуролланиб олиб, давлат ҳисобига бемалол яшаб юраверадилар[37].

Совет ҳукуматининг “ташаббуси” билан республика олийгоҳ ва билим юртларида маҳаллий миллат вакиллари кўпайиши лозим эди. Шунга кўра, Қўқондаги механика билим юртига қабул қилинганларнинг 75%и маҳаллий миллат вакиллари билан ибрат бўлиши лозимлиги ҳақида 1930 йил 6 октябрда Ўзбекистон ССР ХККнинг саноат кадрлари тайёрлаш бўйича бошқарма мажлисида кўриб чиқилди, лекин қабул қилинган 146 талабадан, 96 таси европалик ва 50 таси маҳаллий миллат вакиллари билан иборат бўлган. Шунинг учун билим юрти директори қабул қилинганларни тарқатиб янги қабул комиссиясини тузиш ва қабул қилишда 75 фоизи маҳаллий миллат вакиллари билан иборат бўлишини таъминлашга юклатилган[38]. Марказ Москва, Ленинград, Саратов, Омск, Свердловск ва бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртлари ва билим юртлари бутун Ўрта Осиё республикалари учун раҳбар кадрлар ва муҳандис-техник ишчилар синфини тайёрлаб берди. Масалан, Тошкент тўқимачилик корхонаси қурилиш билан Москвада махсус мутахассис тўқимачилар тайёрланди. Улар енгил саноат меҳнат институти ва Ленинграддаги Халтурина номи фабриканинг ФЗУ мактабларида, Твердаги “Пролетарка” трести, Москва области Зарайск шаҳридаги “Красный Восток” трестида таълим олдилар. Жумладан, 1933-1935 йилларда Тошкент тўқимачилик корхоналарига Ўрта Волга ҳудудидан-1000, Москва ва Ленинграддан-449, Климов фабрикасида-178 ишчи юборилган[39]. Бундан ташқари Тошкент тўқимачилик корхоналарига иш ўргатиш учун 1934-1935 йилларда 424 нафар малакали мутахассислар келган[40]. Фрунзе номи Москва заводи ва Октябрь инқилоби номи Малахов фабрикасида ҳам Ўзбекистон тўқимачилик

корхоналари учун 127 та ишчи-усталар юборилган[41]. Баъзи муассасаларда факат европа миллатига мансуб хизматчилар ишлаганини, маҳаллий миллатга мансуб ходимларнинг турли-туман баҳоналар билан ишга қабул қилинмаганини кўриш мумкин. Масалан, Тошкент янги шаҳар ижроқўми маҳаллий ишчиларни хизматга олмаган. Смета тузилганида тажрибачилар харажатининг ҳисобга олинмагани баҳона қилиниб, ишга қабул қилишнинг имкони йўқлиги қайд этилган[42].

Совет бошқарувидаги маҳаллий кадрларнинг обрўсига путур етказиш ҳамда уларнинг ўртасида кескинлик вужудга келтиришга уринарди. Айниқса, давлат аппаратидаги маҳаллий кадрларнинг обрўсизлантирилиши, уларга кучли босим ўтказилиши мамлакатда олиб борилаётган “ислохотлар” кўплаб хатоларга йўл қўйилишига олиб келди. Бундай ҳолат эса совет бошқарувида қарши норозилик эътирозларини ҳам келтириб чиқарди. Давлат аппаратини соғломлаштириш уни малакали, иқтидорли ва қобилиятли ходимлар билан таъминлаш ҳам энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. 20-йилларнинг охири, 30-йиллардан бошлаб, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усули бошланган даврда раҳбар лавозимларга кўтариш борасида тўпланган шу тажриба катта аҳамият касб этди. Аммо 1930 йили ижтимоий ёт унсурлардан тозалаш баҳонасида республикада 1082 киши ишдан бўшатилади. “Тозалаш” вақтида раҳбар лавозимларда ишлаб юрган кишилардан 21,4%ни, “ножўя ишлари” учун, 3,9 %и “жиноят ишлари” учун, 10,4 фоизи “синфий душманлар” билан алоқада бўлганликлари учун 5,0 % “арақхўрликка” берилганлиги учун раҳбарий лавозимлардан туширилган[43].

1930 йилда бошқарувда маҳаллийлаштириш ишлари бошланди[44]. Бу даврда Ўзбекистон совет ташкилотлари раҳбарлик лавозимларига кўтарилганларнинг саводхонлик, маълумотлик даражаси ҳали ҳам паст эканлигини таъкидлаш лозим. Шаҳар совети раисларининг 3,3 фоизини олий маълумотлилар ташкил этган бўлса, ўрта маълумотлилар 3,3 фоизини, 93,3 фоизини эса кам маълумотга эга бўлган кишилар эди[45].

Ўзбекистон ҳукумати маҳаллий ташкилотларга ишчиларни кўтаришни кучайтириш, кўтарилган ишчиларни маданий ва сиёсий даражасини ошириш ҳамда уларни янги иш жойида муқим қилиш бўйича иш олиб боришни таъминлашни топширди. Маҳаллий ишчиларга бўлган муносабат ҳар доим уларнинг йўлида тўсқинлик қилишга ҳаракат қилади, шунинг учун маҳаллий ишчиларнинг ташқаридан нотўғри қарашлари қабул қилиниши мумкин эмас, шунинг учун уни қабул қилиш керак. Бундай қарашлардан халос бўлиш ва европаликлар ва маҳаллий ишчилар ўртасидаги яқин дўстона алоқаларни боғлаш кераклиги архив маълумотларда келтирилган[46]. Маҳаллий аҳолининг 24 фоизи рус тилини билиши, қолган 76 фоизи рус тилида умуман ҳеч нарсани билмаслиги таъкидланган[47]. Шундай қилиб 1930-1931 йилларда ҳамма вилоят ва туманларда совет

ҳодимларини тайёрловчи курслар очилди. Туб ерли аҳолини раҳбар лавозимларга кўтариш муаммосини тезроқ ва сифатлироқ ҳал этиш учун 1928 йил 26 июлда Ўзбекистон ҳукумати махсус қарор қабул қилди. Республика, совет, касаюа уюшмаси ташкилотлари юқоридаги қарорни амалга ошириш учун илғор ишчи деҳқонларни раҳбар ишларга кўтаришга эътибор беришди. Чунончи, 1928 йил 268 ишчи раҳбарлик ишига кўтарилди, шулардан, 198 нафари маҳаллий миллатга мансуб эди[48]. 1928 йил сентябр ойида Ўзбекистон ҳукумати Марказий аппаратларида 2037 ходим ишлаган бўлса, шулардан 23,3 фоизини маҳаллий миллатга мансуб ходимлар, 9,6 фоизини ишчилар, 9,6 фоизини деҳқонлар ташкил этган эди[49]. Бу мисоллар шундан далолат берадики, раҳбарлик лавозимларида туб аҳоли вакиллари ниҳоятда кам эди. Кўп жойларда уларнинг сони йилдан-йилга камайиб кетаётган эди. Раҳбарлик лавозимларига кўтарилаётган кишиларнинг ишчанлиги, сиёсий жиҳатдан етуқлиги, ташкилотчилик қобилияти, саводлилиги даражаси мазкур соҳадаги ишнинг натижасини белгилаб берарди. Обьектив ҳолатни ҳисобга олиб, ташкилотлар, касаба уюшмалар, раҳбар лавозимларга янги кўтарилган ҳодимларни мактабларда, курсларда, семинарларда ўқитиб, саводхонлик, сиёсий, маданий даражаларини, ишбилармонлик малакаларини ошириш борасида самарали фаолият кўрсатдилар. Бунда миллий кадрларни етиштиришга ва уларнинг умумий савияларини юксалтиришга алоҳида эътибор бердилар. Улар давлат аппаратини мустаҳкамлашда фаол иштирок этдилар ва халқ оммасига раҳбарликни моҳирлик билан олиб бордилар. Натижада фақатгина 1934 йил туман аппаратларида раҳбар лавозимларга кўтарилган ўзбек ишчилари 35 фоизни, деҳқонлар эса 56,5 фоизни, бошқа миллат вакиллари 7,8 %ни ташкил этди. Бу эса давлат аппаратида ишчи ва деҳқонлардан чиққан маҳаллий миллатга мансуб раҳбар ходимларнинг сон жиҳатдан ошганлигини билдирар эди. Партия ўша йилларда минг-минглаб оддий, саводсиз бўлган ишчи деҳқонларни раҳбарлик ишларига кўтарди. Республика ўқув юртларида маҳаллий миллатлардан мутахассислар тайёрлаш ишини авж олдира бошлади. Бироқ шу билан бирга халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг ходимларга бўлган талаб эҳтиёжи эса йилдан-йилга ошиб борди. 1930-1940 йилларда ҳам бу усулдан кенг фойдаланиш жараёни юз берди. Катта ёшлилар ўртасида ҳам саводсизликни тугатиш масаласига коммунист большевиклар партияси ва совет ҳукумати бир пайтда эътибор ҳам берди. 1940 йил Ўзбекистонда 771.500 саводсиз киши бўлиб савод мактабларига тортилганлар 588.300 кишидир. Булар учун 31400 гуруҳлар очилган[50].

1930-йилларнинг бошларида Сталин шахсига сиғиниш кучайди. Маъмурий-бўйруқбозликка асосланган Марказ шаклланди. Миллий зиёли кадрларнинг энг нуфузли, кўзга кўринган вакиллари, мустақил фикр юритувчилар қувғин қилинди. Раҳбарлик лавозимларга кўтарилган маҳаллий миллат вакилларининг энг илғор номоёндаларини “халқ

душмани”, “синфий душман”, “чет эл билан алоқада бўлган” деган тамға билан таъқиб этиш бошланди, қамашлар авжига чиқди. Бу даҳшатли тафтишдан кўплаб ҳалол ва софдил одамлар тухмат қурбони бўлдилар. Барча ҳаракат дастурини ўз қўли остида марказлаштиради.

Ўзбекистонда ҳаракат қилган қатоғонлик машинасини марказ топшириғи билан Акмал Икромов бошқаради. Акмал Икромов: - ер бир гуруҳ бойлар тўдаси қўлида тўпланиб қолди,...бой хўжаликларни тугатмасдан туриб, пахтачиликни ривожлантириб бўлмайди”- деган эди. У мамлакатни пахта мустақиллиги учун курашда ҳам фаол иштирок этди. 1929 йилда А.Икромов биринчидан, пахта экиш учун янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш; иккинчидан, пахта экишни, айниқса, Тожикистон ва Сурхондарё вилоятларида ингичка толали пахта экишни кучайтириш; учинчидан, бошқа экинларни сиқиб чиқариш ҳисобига пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш лозим, деган конкрет таклифлар билан чиқди. Бу таклифлар ҳам республикамизда пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш ва Ўзбекистонни СССРнинг хомашё базасига айлантиришда катта роль ўйнади[51]. Акмал Икромовнинг ВКП (б) МК Бош котиби И.В.Сталин номига 1935 йил 12 июнда юборган хатида Марказдаги турли масъул кишилар, хусусан, СССР ВСНХ раиси ва СССР оғир саноат халқ комиссари Г.К.Оржоникедзе томонидан Ўзбекистондаги саноат соҳасига оид масалалар ҳал қилинмаётганлиги қуйигича кўрсатиб берилган: “Кеча Ўзбекистондаги саноат масалалари бўйича ўртоқ Оржоникедзе мени барча гуноҳлар учун айбдор деб ҳисоблади, мени ғийбатчи ва тухматчига чиқарди. Бир қатор масалаларни ҳатто қўйишга ҳам улгурмадим. Бундай муносабатни мен нормал ҳол деб ҳисобламайман. Шу масалалар бўйича мени қабул қилишингизни сўрайман[52]. Бу даврда фаолият юритган барча раҳбар кадрлар, жумладан, А.Икромов фаолиятида ҳам иккита йўналишни ажратиш мумкин: биринчи йўналиш- Ўзбекистон коммунистларининг етакчиси бўлган А.Икромов ўзининг фаолияти давомида совет ҳокимияти сиёсатини изчиллик билан амалга оширди. Ўзбекистонда ер сув ислоҳоти, коллективлаштириш, “қулоқларни синф сифатида тугатиш” каби тадбирларда фаол иштирок этди, уларга раҳбарлик қилди[53]. Айни шу йилларда матбуот саҳифаларида ҳурфикрликка йўл берилиб, туркийлик, истибдод хусусида муайян фикрлар кўрина бошлаганда, компартиянинг масъул котиби сифатида А.Икромов “Сиёсий кўрлармиз” деган мақола билан чиқиб, шундай “оғмачиларни кескин қоралайди. У “иноғомовчилик”ка қарши бир неча бор чиқишлар қилиб, уларни “миллий оғмачилик”да, “миллатчилик”да айблайди. 1927 йил октябрда Самарқандда бўлган ЎзССР маданият ходимларининг иккинчи қурултойидаги А.Икромовнинг “Мафкуравий жабҳадаги кураш ва маданият ходимларининг вазифалари” мавзусидаги маърузасидан миллий тараққийпарварларнинг

ўша машҳур илк қатоғони учун ғоявий замин яратишда фойдаландилар[54]. Шундан сўнг 1929 йилда Мунаввар қори бошлиқ тараққийпарварлар жисмоний қатоғонга учрадилар.

А.Икрамов фаолиятидаги иккинчи йўналиш- айнан шу йиллари Ўзбекистонда оғир ва енгил саноатнинг асослари яратилди. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, Тошкент ва фарғонада текстил комбинатлари, Самарқандда, Бухорода ва Қўқонда тикувчилик фабрикалари, Тошкентда кондитер фабрикаси ва бошқалар қурилди. Саноатнинг янги соҳаларига, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ каби саноат шаҳардларига асос солинди. 1940 йилда Ўзбекистонда 1452 та саноат корхонаси фаолият юритаётган эди. Таълим тизимида ҳам катта ишлар амалга оширилиб, Бухоро, Фарғона, Тошкент ва Самарқандда педагогика институтлари очилди, малакали педагогик кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчасида А.Икрамовнинг ҳам раҳбарлик роли ва ҳиссаси бор[55]. Лекин тузумга хизмат қилган ривожланишига ҳисса қўшган маҳаллий раҳбар кадрлардан тўла фойдаланиб бўлингандан кейин йўқ қилиш тизими амалга оширилган. Акмал Икрамов ҳам 1938 йилда Сталиннинг буйруғи билан “Халқ душмани” сифатида отиб ташланади.

Ўзбекистонда большевиклар томонидан амалга оширилган «социалистик тажриба» маҳаллий халқ томонидан норозилик билан қарши олинди. Совет ҳокимиятининг дастлабки 10 йилликларида миллий раҳбар ходимлар ва зиёлилар томонидан марказнинг зўравонлигига қарши очик танқидий фикрлар айтилган. Муҳолифат айрим давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, маориф ва ҳуқуқшуносларни ўзаро бирлаштирган эди. Совет режими даставвал мавжуд тузумга муҳолифатда турганларга қарши репрессия сиёсатини амалга оширган бўлса, 30-йиллардан бошлаб ўз халқига нисбатан оммавий террорни қўлади. XX аср 20-йилларининг 2-ярми ва 30-йиллар бошида Ўзбекистонда “Ўн саккизлар гуруҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик”, “бадриддиновчилик”, “миллий иттиҳодчилар”, “наркомпрос иши” каби сиёсий ишлар тўқилиши ва Мунавварқори бошчилигидаги миллий зиёлиларнинг қамоққа олиниши натижасида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари қатоғон қилинди. 1931 йил апрелда Москвада бўлиб ўтган суд мажлисидан кейин Мунавварқори бошчилигидаги 15 киши отиб ташланди, қолган 70 киши эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

1930 йиллар ўртасига келганда бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам оммавий қатоғонлар авж олди. Совет, фирқа, жамоат ташкилот раҳбарларининг ва миллий зиёлиларнинг кўп қисми қатоғон қилинди. Бегуноҳ ҳалок бўлганлар орасида Ф.Хўжаев, А.Каримов, С.Сегизбоев, А.Абдурахмонов А.Тожиев, Х.Охундий, М.Турсунходжаев, Карим Болтаев, Малик Қаҳҳаров, Й.Ирисметов, Н.Исроилов ва бошқалар бор эди[56]. Республикадаги аксарият сиёсий раҳбарлар 1937-1939 йилларда “миллатчилик” ва “совет

ҳоқимиятига қарши кураш олиб бориш”да, “қуролли кўзғолон кўтаришни тайёрлаш”да айбланди бу миллий республикачи сиёсий раҳбарлар қатл этилди. Ўзбекистон жамиятнинг барча табақаларига ёйилган ҳибсга олиш тўлқини остида қолди. Давлат ва жамият арбоблари, раҳбарлари ва оддий кишилар билан бир қаторда миллий зиёлилар оммавий равишда қатағон қилинди. XX аср ўзбек адабиётининг арбоблари; Фитрат, Чулпон ва Абдулла Қодирий ва бошқалар отиб ташланди. 1937-1939 йилларда тўқиб чиқарилган сохта айбловлар бўйича Ўзбекистонда 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи жазоланди, 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинди[57]. Умуман олганда, 1937-1953 йилларда Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) тройкаси (учлиги) томонидан 100 мингдан ортиқ киши қатағон қилинди, улардан 15 минг нафари отиб ташланди. 1936-1940 йилларда фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар ва олимлардан 5758 киши қамоққа олиниб, улардан 4811 киши отиб ўлдиришга ҳукм қилинган эди. Бу йилларда йилига 10 минглаб одамлар отилган. Легерларда миллионлаб одамлар оғир меҳнат, очлик қаҳратон совуқ ва турли касалликлардан нобуд бўлганлар. Асоссиз қамалиб жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия совет хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар колхозчилар кўпчиликини ташкил қиларди. Ҳар йили сиёсий айб билан асрга олинганлар шафқатсиз қийноққа солинган. Дунёда энг инсонпарвар давлатман деган совет давлати турли усуллар билан халқ ёстиғини қуритиш ва жабр зулм қилишда давом этди[58]. Бу пайтда Ўзбекистонда оммавий қатағонлар ва террор бошланган эди. Миллий раҳбар ходимларнинг ҳар бир ҳаракати ОГПУ вакиллари назорати остида бўлган. ВКП (б) МК номига ОГПУ томонидан 1928 йил 31 майда юборилган Ўзбекистондаги сиёсий кайфият тўғрисидаги махсус маърузада йигирмага яқин ана шундай миллий раҳбар-ходимларнинг фаолиятига тўхтаб ўтилган. Кейинчалик тўхталиб ўтилган миллий раҳбарлар қатағон қилинди. Совет даврида хатто уларнинг номларини тилга олиш таъқиқланди[59].

Туркистон тараққийпарварларининг йирик вакили Ғулом Музаффар ўғли Зафарий (1889-1937) нафақат ўзбек мусиқаси билимдони, миллий театр санъати дарғаларидан, балки, етук драматург, шоир ва журналист ҳам бўлган. Унинг болалиги кўҳна Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, Катта боғ маҳаллада ўтди. Оддий мисгар оиласида дунёга келган Ғулом Зафарий ўз иқтидори ва ўткир салоҳияти билан жуда ёшлик онларидан Тошкент зиёлилари орасида танилиб улгурди. Ғ.Зафарий дастлаб, жадид муаллими сифатида Ўш ва Фарғона водийси шаҳар ҳамда қишлоқларида педагогик фаолияти билан шуғулланди. Айни пайтда “Турон” маърифий жамияти аъзолари билан мустаҳкам ижодий алоқани йўлга қўйди, Туркистонда дунёга келган жадид матбуотининг фаол қаламкашларидан ва тарғиботчиларидан бирига айланади. 1937 йил 28 октябрь куни эндигина ўз ҳаётини йўлга

қўйиб бошлаган Ғ.Зафарийни қайтадан қамокқа олиш учун қарор чиқарилди. Бу гал ҳам унга етти ухлаб тушига кирмаган айбларни илишади. Унинг ортидан хотини Марямхон ва 8 яшарлик қизи Эркинлар қон йиғлаб кузатиб қолдилар. Эндигина 2 ойлик бўлган ўғли Ботир эса ҳали бу дунёнинг даҳшатларини англашдек азобдан анча узоқда эди. Шўро жаллодлари Ғ.Зафарийдек улуғ бир мураббийнинг кимлигини англаш бахтидан мосуво бир тубан кимсалар эди. Маҳкумнинг ўзи эса аллақачон, совет жамиятидаги чиркин муҳитда тирик яшашдан кўра ўлим анча маъқулроқ деган хулосага келиб бўлган эди. Шунинг учун унинг бўҳтонларга имзосини олиш ҳам қийин бўлмади. 1937 йил 2 декабрда Ғ.Зафарий учун “Айблов баённомаси” Леонов томонидан имзоланди ва ЎзССР ИИХК қошидаги машғум “учлик” суди 4 декабрь куни уни отувга ҳукм этди. 1937 йил 28 декабрь куни ноҳақ ҳукм ими жимида ижро этилди. “Қизил империя” бўйлаб илиқлик шабадаси эсан илк кунларда, 1956 йил 17 декабрда аслида жиноят у ёқда турсун гуноҳ ишга ҳеч қачон қўл урмаган покиза инсон Ғулом Зафарий ЎзССР Прокуратураси томонидан оқланди. Бироқ, моҳиятан зулм ва зўровонлик устида бунёд этилган СССР ҳеч қачон ўз айбини тан олмади. Буни 1958 йил 15 ноябрда Ғ.Зафарийнинг қизи Сиддиқа опага берилган отасининг оқланганлиги битилган ЗАГС ҳужжати ҳам исботлайди. Унда ёзилишича, Ғ.Зафарий гўёки 10 йилга қамокқа ҳукм этилган ва 1944 йил 4 августда қамокда жазони ижро этиш даврида вафот этган эмиш[60].

Маҳаллий раҳбар ходимларнинг айримлари бошқариш маҳоратини яхши эгаллай олмаган эди. Бунга айрим корхона, муассасалар раҳбарларининг лавозимларга кўтарилганларга нисбатан ишончсизлик билан қарашлари, уларнинг ишлашлари учун шарт-шароит ва ёрдамнинг етишмаслиги ва самарасизлиги ҳам сабаб бўларди. Жумладан, давлат қурилиш трестларида маҳаллий миллатга мансуб раҳбарларга эътиборсизлик, ишончсизлик билан қарашган. Истеъдодли билимли кўпгина ишчилар энг йирик саноат корхоналарининг инженер-техник ва раҳбар лавозимларига сайландилар. Масалан, ишчи Саид Ходжаев ўзбеклар орасида биринчи инженер-электрик даражасига эришди[61].

1939 йилларда совет раҳбар органларининг ҳам кадрлари деярли бутунлай янгиланди. Кўплаб янги ва обрўли одамлар совет ичига ва округ ижроия кўмиталари, шаҳар кенгашлари ва ташкилий кўмиталар раҳбарлигига тавсия қилинди. Масалан, СССР Олий Кенгаши депутати Тешабой Мирзаев ЎзССР МСКнинг Фарғона вилояти бўйича ташкилий кўмитаси раиси этиб кўрсатилган[62]. Бу йилларда собиқ СССРда ижтимоий ҳаёт бўғилди. Ижодий кадрларнинг талай қисми қатағон этилди, қолганлари таъқиб ва доимий назорат остида бўлдилар, мамлакат аҳолиси таркибидаги 100 дан ортиқ миллат ва элатларни бир бутун, яхлит “совет халқи”га айлантириш сиёсати амалга оширилди[63].

**ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида умумий таъкидлаганда, Ўзбекистон ССР ташкил топгач, унинг бошқарув тизими шакллантирилди. Сиёсий бошқарув аввало коммунистик партия назорати остида бўлди ва Марказнинг ҳар қандай топшириқлари сўзсиз бажарилди. Бу ҳолат сиёсий репрессия шароитида амалга оширилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. ЎзР МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 784 а-йиғма жилд, 137-140-варақлар.
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти. -Тошкент.: Ўзбекистон, НМИУ, 2019. - 403-б.
3. XII съезд РКП (б). Стен. Отчет. – М., 1968. С. 514.
4. ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3742- йиғма жилд, 139-142-варақлар.
5. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2015. 2-жилд, 265-266-бетлар.
6. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986). В 4-х томах. Том 1. (1925-1927). – С. 122.
7. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 4463-иш, 4-варақ.
8. Ўзбекистон МА, 837-фонд, 3-рўйхат, 593-иш, 7-варақ.
9. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 319-варақ.
10. Акилов К.А., Гулямова М.А. Советская интеллигенция Узбекистана. 1 книга. – Ташкент, 1978. 114-бет.
11. ЎзР МА, 5451-фонд, 1-р ўйхат, 200-йиғма жилд, 3,4-варақ.
12. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 320-варақ.
13. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 321-варақ.
14. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 320-варақ
15. Известия”, 1 июля 1927 г.
16. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 10-рўйхат, 4-иш, 1-варақ.
17. Шухрат Эргашев, Тўлкин Бобоматов XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 418 б.
18. Шухрат Эргашев, Тўлкин Бобоматов XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 419 б.
19. Тарихнинг номаълум саҳифалари: ҳужжат ва материаллар. К.1. масъул муҳаррир Н.Каримов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. -214 б.
20. Икки доклад. Ф.Хўжаев. Тошкент, 1932. Самарқанд. Ўздавнашр.50-51 бетлар.
21. Тарихнинг номаълум саҳифалари: ҳужжат ва материаллар. К.1. масъул муҳаррир Н.Каримов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. - 53 б.

22. Шухрат Эргашев, Тўлқин Бобоматов XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 465-466 бетлар.
23. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 328-варақ.
24. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 320-варақ.
25. “Известия” 1927. 1 июль
26. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 344-варақ.
27. Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933 йй). Монография. – Тошкент: “НАВРЎЗ”, 2019. -122 Б.
28. Норжигитова Н. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда сиёсий элитанинг миллий таркиби. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2003. – Б.127.
29. ЎзР МА, Р-95-фонд, 1-рўйхат, 433-йиғма жилд, 121-122-варақлар
30. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 345-варақ.
31. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, 345-варақ.
32. Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933 йй). Монография. – Тошкент: “НАВРЎЗ”, 2019. -103-104 Б.
33. Норжигитова Н. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда сиёсий элитанинг миллий таркиби. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2003. – Б.127.
34. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Тошкент: Шарқ, 2000. - 402 б.
35. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 2307-йиғма жилд, 159-варақ.
36. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 17 февраль №40 (5020)
37. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 17 февраль №40 (5020)
38. ЎзРМА. Р-89-фонд, 1-рўйхат, 212-йиғма жилд, 12-варақ.
39. ЎзРМА, Р-88-фонд, 9-рўйхат, 3108-йиғма жилд, 41-варақ.
40. Мельникова Т.С. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1956. – С.95.
41. Ульмасбаев Ш.Н. Промышленное развитие Советского Узбекистана. – Ташкент, 1958. – С. 130.
42. Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933 йй). Монография. – Тошкент: “НАВРЎЗ”, 2019. -117- бетлар.
43. “Правда Востока” 1930, 17 июля
44. ЎзР МА, Р-95-фонд, 1-рўйхат 433-йиғма жилд, 121-варақ

45. Толеханов А. О национальных советских кадров. – Революция и национальности. Власт советов, 1935. С.66.
46. ЎзР МА, Р-95-фонд, 1-рўйхат, 433-йиғма жилд, 122-варақ.
47. ЎзР МА, Р-95-фонд, 1-рўйхат, 433-йиғма жилд, 122-варақ
48. ЎзР МА, Р-95-фонд, 1-рўйхат, 230-йиғма жилд, 156-варақ.
49. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 2307-йиғма жилд, 158-варақ.
50. Қизил Ўзбекистон газетаси, 1941 йил 25 апрель, №98. (5078)
51. Шухрат Эргашев, Тўлкин Бобоматов XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 170 бет.
52. Хайдаров М. М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, бошқичлари ва моҳияти т.ф.д. учун тақдим этилган диссертация. 188- бет.
53. Шухрат Эргашев, Тўлкин Бобоматов XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 170 бет.
54. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, Шарқ 2000. 324-бет.
55. Шухрат Эргашев, Тўлкин Бобоматов XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 170 бет.
56. “Тошкент ҳақиқати” газетаси, 1989 йил 26 январь
57. “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1991, 15 сентябрь
58. Зикруллаев М.Ф. 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” тарихининг муҳим саналари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. – Тошкент: Фан, 2013. 38-бет.
59. Хайдаров М. М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, бошқичлари ва моҳияти т.ф.д. учун тақдим этилган диссертация. 188- бет.
60. <https://shosh.uz/gulom-zafariy-turkiston-muhtoriyati-ilhomchisi/>
61. “Правда Востока”, 1927 йил 7 март.
62. Ўз МА, 837-фонд. 32-рўйхат, 1888-йиғма жилд, 12-варақ.
63. Мустақиллик: илмий-оммабоп луғат.// Муаллифлар жамоаси, - Тошкент: Шарқ, 1998. 210-бет